

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.13/30.12.2019.Т.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЭШАНКУЛОВ ҲАМЗА ИЛХОМОВИЧ**

**УЗЛУКСИЗ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БОСҚИЧЛАРИНИНГ АХБОРОТ**  
**МОНИТОРИНГИ ВА ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИШ АЛГОРИТМЛАРИ**  
**ҲАМДА ДАСТУРИЙ МАЖМУАСИ**  
**(ЎҒ-МОЙ КОРХОНАЛАРИ МИСОЛИДА)**

05.01.04 – Ҳисоблаш машиналари, мажмуалари ва компьютер тармоқларининг  
математик ва дастурий таъминоти

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on technical sciences**

**Эшанкулов Ҳамза Илхомович**

Узлуксиз ишлаб чиқариш босқичларининг ахборот мониторинги ва қарор қабул қилиш алгоритмлари ҳамда дастурий мажмуаси (ёғ-мой корхоналари мисолида). . . . . 3

**Эшанкулов Ҳамза Илхомович**

Алгоритмы и программный комплекс для информационного мониторинга и принятия решений в непрерывных стадий производства (на примере масложировых предприятий) . . . . . 21

**Eshankulov Khamza Ilhomovich**

Algorithms and software complex for information monitoring and decision-making in continuous production stages (on the example of oil and fat enterprises). . . . . 40

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works . . . . . 44

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.13/30.12.2019.Т.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЭШАНКУЛОВ ҲАМЗА ИЛХОМОВИЧ**

**УЗЛУКСИЗ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БОСҚИЧЛАРИНИНГ АХБОРОТ**  
**МОНИТОРИНГИ ВА ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИШ АЛГОРИТМЛАРИ**  
**ҲАМДА ДАСТУРИЙ МАЖМУАСИ**  
**(ЎҒ-МОЙ КОРХОНАЛАРИ МИСОЛИДА)**

05.01.04 – Ҳисоблаш машиналари, мажмуалари ва компьютер тармоқларининг  
математик ва дастурий таъминоти

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Техника фаилари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вакирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Олий ағтестация комиссиясида В2020.2.PhD/T1105 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат университетида бажаришган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифасида ([www.tuit.uz](http://www.tuit.uz)) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.


Илмий раҳбар:	Мўминов Баҳодир Болтаевич техника фаилари доктори, доцент
Раисий оппонентлар:	Бабомурадов Озод Жўраевич техника фаилари доктори, доцент Хуидибаев Абдурахман Маликович техника фаилари номзоди
Етакчи ташкилот:	Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон миллий университети


Диссертация химояси Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузурдаги DSc.13/30.12.2019.T.07.01 рақамли Илмий кенгашининг 2020 йил «22» 10 соат 14<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтган. (Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй. Тел.: (99871) 238-64-43, факс: (99871) 238-65-52, e-mail: [tuit@tuit.uz](mailto:tuit@tuit.uz)).


Диссертация билан Тошкент ахборот технологиялари университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (012 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй. Тел.: (99871) 238-65-44).

Диссертация автореферати 2020 йил «03» 02 25 куни тарқатилди.  
(2020 йил «18» 02 25 даги 15 рақамли реестр баённомаси.)



  
**Р.Х. Хамдамов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

  
**Ф.М. Нуралиев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д., доцент

  
**М.А. Рахматуллаев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда ишлаб чиқариш корхоналарини автоматлаштириш ва дастурий маҳсулотларни яратиш масалаларини ечишга алоҳида эътибор қаратилган, хусусан корхоналарнинг узлуксиз ишлаб чиқариш босқичларини мониторинг қилиш, бошқариш, ахборотларни таҳлил қилиш масалаларидир. Ушбу муаммоларни ҳал қилишнинг самарали усул ва алгоритмларини ишлаб чиқиш, аниқ қўйилган амалий мақсад билан боғлиқ, айниқса ахборот мониторинг ва қарор қабул қилишга кўмаклашувчи тизимларни яратишдир. Бундай тизимларнинг мақсади узлуксиз ишлаб чиқариш босқичларидаги маълумотлар асосида мониторинг қилиш ва билимлар базаси орқали қарор қабул қилишга кўмаклашишдан иборат. Ишлаб чиқариш корхоналарига хизмат қилувчи ахборот мониторинги ва қарор қабул қилишга кўмаклашувчи математик ва дастурий таъминотлар ишлаб чиқишга АҚШ, Жанубий Корея, Япония, Буюк британия, Ҳиндистон, Белоруссия, Россия федерацияси ва бошқа мазкур соҳада ривожланган мамлакатларда катта эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда узлуксиз ишлаб чиқариш босқичларининг ахборот мониторинги ва қарор қабул қилиш муаммоларини ечиш учун алгоритмлар ва дастурий таъминотларни яратишга қаратилган кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шу ўринда узлуксиз ишлаб чиқариш босқичларининг ахборот мониторинг алгоритмлари ва қарор қабул қилиш алгоритмлари ҳамда дастурий модулларни интеграциялаш алгоритмлари, дастурий мажмуа ишлаб чиқиш масалаларининг илмий-амалий тадқиқотларига алоҳида эътибор қаратиш зарур ҳисобланади.

Республикамизда ишлаб чиқариш корхоналари учун ахборот мониторинг тизимлар, қарор қабул қилишга кўмаклашувчи дастурий восита ва модуллар яратиш ҳамда дастурий таъминотларнинг ўзаро интеграциялаш бўйича кенг кўламли тадқиқотлар олиб борилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси қўйидаги вазифаларни белгилайди «...ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, ... илғор ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва улардан фойдаланиш, иқтисодиёт, ижтимоий соҳа ва бошқарув тизимида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш»<sup>1</sup>. Ушбу вазифаларни амалга оширишда узлуксиз ишлаб чиқариш босқичларининг ахборот мониторинги ва қарор қабул қилишни математик моделлари, ҳисоблаш алгоритмларини ва дастурий мажмуани ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2018 йил 21 ноябрдаги ПҚ-4022-сон «Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида рақамли

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

инфратузилмани янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» қарори, 2019 йил 16 январдаги ПҚ-4118-сон «Ёғ-мой тармоғини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ва соҳани бошқаришда бозор механизмларини жорий этиш тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятларга тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши нинг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Ахборотлаштириш ва ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ахборот мониторинг тизимлар, қарор қабул қилишга кўмаклашувчи тизимлар, маълумотлар базаси ва дастурий модуллари интеграциялашнинг математик ва дастурий таъминоти, усуллари ва технологияларини ишлаб чиқиш, амалиётга татбиқ этиш билан кўплаб олимлар илмий-амалий тадқиқотлар олиб бормоқда.

Жаҳонда, В.Denkana, D.Dahlmanna конвейер ишлаб чиқаришда ўз-ўзини сошлаш, ишлаб чиқариш босқичларини ахборот мониторинг қилиш усуллари, Q.Zhanga, Y.Liu сенсорли тармоқ асосида ахборот мониторинг тизимида маълумотлар алмашилиш усуллари, М.В.Шевченко, Л.И.Нефедов ва L.Wang ахборот мониторинг тизимларининг кўп каналли бошқарув механизмлари ва усуллари, К.Smarsly, E.Tauscher ўрнатилган тизимлар асосида ахборот мониторинг қилиш учун модел ва алгоритмларни, D.J.Power, Ю.М.Лисецкий, Б.Д.Гнеденко қарор қабул қилиш модуллариининг архитектураси ва усуллари, М.Минский, А.Э. Ермилов, П.В.Мисевич билимлар базасини фрейм модели орқали қуриш усуллари, G.M.Marakas, L.A.Kurgan интеллектуал қарор қабул қилиш тизими архитектураси ва қарор қабул қилиш усулини ишлаб чиқиш масалалари билан шуғулланганлар.

Республикада Т.Ф.Бекмуратов, О.Ж.Бабомурадов объектларни мақсадли мониторинги қилиш усуллари ва алгоритмлари, Р.Н.Усманов, Т.А.Кучкоров экологик мониторингининг ахборот аналитик тизими, Х.Н.Зайнидинов, О.Қ.Маҳмановларнинг илмий салоҳиятини мониторинг қилиш усуллари, М.М.Камилов, Ш.Х.Фозилов, Р.Усманов, Р.Х.Хамдамов, Д.Т.Мухамедиева, Н.А.Игнатъев, А.Р.Ахатов, А.Х.Нишанов каби олимлар қарор қабул қилиш тизимлари ва интеллектуал таҳлил қилиш усуллари хамда дастурий таъминот ва мажмуалар ишлаб чиқиш соҳасида Н.Р.Юсупбеков, М.А.Раҳматуллаев, М.М.Мусаев, М.М.Арипов, С.С.Касымов, Д.Т.Мухамедиева, Б.Б.Мўминов ва бошқалар ўзларининг катта ҳиссаларини қўшганлар.

Ушбу соҳадаги тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатдики, бугунги кунгача узлуксиз ишлаб чиқариш босқичларининг ахборот мониторинги ва қарор қабул қилиш алгоритмлари хамда интеграциялашган дастурий мажмуа ишлаб чиқиш етарли даражада ўрганилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг Европа Комиссияси Erasmus+ дастури «598690-EPP-1-2018-BE-EPPKAA2-SBHE-JP TALENT -Марказий Осиё университетларида инсон ресурслари менеждменти магистратура дастурлари» (2018-2021) ва «Ёш дастурчи Бухоро» МЧЖ билан ҳамкорликдаги «АСУ ТП информацион тизимини яратиш» (2018-2019) лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** конвейр шаклдаги узлуксиз ишлаб чиқариш босқичларининг ахборот мониторинги ва қарор қабул қилиш алгоритмлари ҳамда мижоз-сервер архитектура асосида дастурий мажмуани ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

конвейер шаклдаги узлуксиз ишлаб чиқариш босқичларини Петри тўри математик таъминоти асосида ахборот мониторинги алгоритми ва дастурий модулини ишлаб чиқиш;

қарор қабул қилиш учун билимлар базасини Фрейм модели орқали қуриш алгоритми ҳамда дастурий модулини ишлаб чиқиш;

дастурий модулларнинг интеграциялашни онтологик ёндашув орқали амалга ошириш алгоритми ҳамда дастурий модулини ишлаб чиқиш;

ахборот мониторинг ва қарор қабул қилиш дастурий мажмуани IDEF0 модели, дастурий модулларнинг функционал BPMN тузилмаси, маълумотлар базасини инфологик IDEF1x моделини ишлаб чиқиш;

билимлар базасини объектга йўналтирилган модели ва синфлар асосида бошқариш услубини ишлаб чиқиш;

мижоз-сервер архитектура асосида ахборот мониторинг ва қарор қабул қилиш маълумот тузилмаси ва дастурий мажмуасини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** конвейер шаклдаги узлуксиз ишлаб чиқариш босқичлари маълумотлари, ҳисоблаш мажмуалари ва компьютер тармоқлари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида конвейр шаклдаги узлуксиз ишлаб чиқариш босқичлари учун ахборот мониторинг ва қарор қабул қилишнинг назарий методологияси, моделлари, технологиялари, билимлар базаси орқали қарор қабул қилиш технологиялари, моделлари, усуллари, дастурий модулларнинг онтологик ёндашув орқали интеграциялаш тамойиллари усуллари ва воситалари.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Ахборот мониторинг ва қарор қабул қилиш усуллари, лойиҳалаштириш, дастурий мажмуаларни лойиҳалаш ва жорий қилиш, маълумотларни интеллектуал таҳлили, мижоз-серверга йўналтирилган архитектураларни қуриш усуллари, реляцион маълумотлар базасини бошқариш тизимлари ва объектга йўналтирилган MVC, ORM дастурлаш технологиялари ва усулларидадан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Петри тўри математик таъминоти асосида конвейер шаклдаги узлуксиз ишлаб чиқариш босқичларининг ахборот мониторинг математик модели ва

алгоритми ишлаб чиқилган;

фрейм математик таъминоти асосида конвейер шаклдаги узлуксиз ишлаб чиқариш босқичларида қарор қабул қилиш учун билимларни тасвирлаш алгоритми ишлаб чиқилган;

онтологик ёндашув орқали ахборот мониторинг аппарат-дастурий модуллари ва қарор қабул қилишда маълумотларнинг интеграциялаш алгоритми ишлаб чиқилган;

фрейм билимларни тасвирлаш модели ва объектларнинг ўзаро муносабати асосида узлуксиз ишлаб чиқариш босқичларининг билимлар базасини бошқариш ва қарор қабул қилиш алгоритми ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

ёғ-мой корхоналарининг узлуксиз ишлаб чиқариш босқичларини ахборот мониторинги учун дастурий мажмуанинг IDEF0 модели ва BPMN функционал тузилмаси ишлаб чиқилган;

қарор қабул қилиш учун билимлар базасни фрейм модели асосида дастурий модулларнинг функционал тузилмаси ва лойиҳаси ишлаб чиқилган;

маълумотлар базасини IDEF1x ва билимлар базасининг бошқаришга йўналтирилган объектли модели ишлаб чиқилган;

уч босқичли мижоз-сервер архитектура асосида ахборот мониторинг ва қарор қабул қилиш дастурий мажмуаси ва ишлов беришга йўналтирилган маълумот тузилмалари ишлаб чиқилган;

ҳисоблаш мажмуалари ва компьютер тармоқларига мўлжалланиб яратилган дастурий мажмуани ишлаш тамойили ва ҳамда техник ресурс талаблари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлиги.** Қўйилган муаммо математик жиҳатдан коррект ифодаланганлиги, дастурий мажмуада ахборот мониторингини Петри тўри орқали ифодалаш, билимлар базасини Фрейм модели орқали қуриш, дастурий модулларини онтологик ёндашув орқали интеграциялашда метамаълумотларни сақлаш модел ва тузилмаларини тўғри қўлланилиши, шунингдек назарий ва амалий тадқиқотлардан олинган натижалар ҳамда уларнинг мувофиқлиги орқали изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти конвейер шаклдаги узлуксиз ишлаб чиқариш босқичлар маълумотлари асосида ахборот мониторинги Петри тўридаги модели ва алгоритми, Фрейм модели асосида қарор қабул қилиш алгоритми, аппарат-дастурий модулларнинг ўзаро интеграциялаш алгоритмлари ишлаб чиқариш корхоналарини мониторинг қилиш, қарор қабул қилиш, интеграциялаш масалалари билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, конвейер шаклдаги узлуксиз ишлаб чиқариш босқичларида маълумотлар ҳажмининг ортиши, ҳар бир узлуксиз ишлаб чиқариш босқични ахборот мониторинги, ишлов бериш ва қарор қабул қилиш жараёнларида инсон омилини камайтириш мақсадида яратилган дастурий мажмуа ёрдамида иш самарадорлигини ошириш ва корхонанинг инфратузилмасини



ривожлантириши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Узлуксиз ишлаб чиқариш босқичларининг ахборот мониторинг, қарор қабул қилиш ва дастурий модулларни интеграциялаш алгоритмларига асосланган «Asumoy» дастурий мажмуаси негизида:

узлуксиз ишлаб чиқариш босқичларининг Петри тўри асосидаги ахборот мониторинг алгоритми ва дастурий мажмуанинг IDEF0 модели асосида ишлаб чиқилган электрон тарозидан маълумотларни ўқиш, маълумотларни киритиш, ахборот мониторинг дастурий модуллари «Асака ёғ» АЖДа амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон республикаси Ёғ-мой саноати корхоналари уюшмасининг 2020 йил 6 июльдаги 03/3-753 сонли маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижасида мойли уруғни қабул қилишни 1.5 мартага ошириш, махсулотлар рўйхатини шакллантиришни 40 фоизга ошириш имконини берган.

қарор қабул қилиш учун билимлар базасини бошқаришнинг фрейм модели асосидаги алгоритми ва дастурий модулларнинг онтологик ёндашув орқали интеграциялаш алгоритми асосида ишлаб чиқилган ахборот мониторинг ва қарор қабул қилиш дастурий модуллари «Евроснар» МЧЖда амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон республикаси Ёғ-мой саноати корхоналари уюшмасининг 2020 йил 6 июльдаги 03/3-753 сонли маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижасида ишлаб чиқариш жараёнини 7 фоизга ошириш имконини берган.

мижоз-сервер архитектурасига асосланган ва дастурий модуллари интеграциялашган дастурий мажмуа «Когон ёғ экстракция заводи» АЖДа жорий қилинган (Ўзбекистон республикаси Ёғ-мой саноати корхоналари уюшмасининг 2020 йил 6 июльдаги 03/3-753 сонли маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижасида ишлаб чиқариш босқичларининг ахборот мониторинг қилиш вақтини 2 мартага қисқартириш, қарор қабул қилиш тезлигини 1,5 мартага ошириш ҳамда ҳисоботларни шакллантириш вақтини 2 мартага қисқартириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертациянинг асосий назарий ва амалий натижалари 4 та халқаро ва 9 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Тадқиқотнинг асосий натижалари 28 та илмий ишларда эълон қилинган, улардан 8 таси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини эълон қилиш учун тавсия қилинган журналларда, жумладан 3 таси хорижий журналларда ва 5 таси республика журналларида нашр қилинган ҳамда 3 та ЭҲМ учун яратилган дастурий воситаларни қайд қилиш гувоҳномалари олинган.


**Диссертациянинг ҳажми ва тузилмаси.** Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 118 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурлик даражаси асослаб берилган, мақсад ва вазифалар шакллантирилган, тадқиқот объекти ва предмети белгилаб берилган. Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мослиги белгиланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, тадқиқот натижаларининг амалиётга татбиқи рўйхати, ишнинг синов натижалари, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Узлуксиз ишлаб чиқариш босқичларининг ахборот мониторинги ва қарор қабул қилиш назарий асослари**» деб номланган биринчи бобда узлуксиз ишлаб чиқариш босқичларида қўлланиладиган дастурий воситаларни ретроспектив таҳлили, ишлаб чиқаришга мўлжалланган ахборот мониторинг тизимларининг ривожланиш истиқболлари ҳамда математик ва дастурий таъминотлари, қарор қабул қилиш синфлари ва моделлари, етакчи олимларнинг илмий тадқиқот ишлари ҳамда масалани қўйилиши келтирилган.

Корхоналарда яқин ўтмишгача мутахасислар томонидани бажарилган амаллар дастурий таъминотлар орқали амалга оширилмоқда. Шунинг учун узлуксиз ишлаб чиқариш босқичларининг ахборот мониторинги ва мониторинг натижалари асосида қарор қабул қиладиган дастурий мажмуа яратишга эҳтиёж туғилди.



**1-расм. Ишлаб чиқариш корхоналарини ҳисоблаш мажмуалари ва компьютер тармоқлари схемаси**

Ахборот мониторинг ва қарор қабул қилиш дастурий мажмуани ишлаб чиқиш ва тадбиқ қилиш учун ишлаб чиқариш корхоналарини ҳисоблаш мажмуалари ва компьютер тармоқларининг схемаси ишлаб чиқилди(1-расм). Корхонанинг компьютер тармоқларига асосланиб ўрнатилган ҳисоблаш мажмуалари ёрдамида  $X_i = \{x_1, x_2, \dots, x_n\} \in X$  кирувчи маълумотлар орқали ахборот мониторинг амалга оширилади. Ахборот мониторинг модулидан чиқувчи натижавий  $Y_i = \{y_1, y_2, \dots, y_{n1}\} \in Y$  маълумотлар ёрдамида қарор қабул қилиш модули  $p_i \in P$  хулосаларни тайёрлайди

Диссертациянинг «**Ахборот мониторинги ва қарор қабул қилишнинг математик таъминоти**» деб номланган иккинчи боби узлуксиз ишлаб чиқариш босқичларида ахборот мониторинг, ахборот мониторинг асосида қарор қабул қилиш ва дастурий модулларнинг интеграциялаш алгоритмларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга бағишланган.

Мазкур бобнинг биринчи параграфи узлуксиз ишлаб чиқариш босқичларини ахборот мониторинги алгоритмини ишлаб чиқишга қаратилган. Конвейер шаклдаги узлуксиз ишлаб чиқариш босқичларининг ахборот мониторинги Петри тўри орқали ифодаланган.

Петри тўри орқали узлуксиз ишлаб чиқариш босқичларининг ахборот мониторинг моделини қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$S = \langle P, T, I, O, \mu^0 \rangle, \quad (1)$$

Бунда  $P = \{p_1, p_2, \dots, p_m\}$  – бўш бўлмаган чекли ҳолатлар тўплами, хомашёнинг ишлаб чиқариш босқичларидаги маълумотлари ифодаланади;

$T = \{t_1, t_2, \dots, t_n\}$  – бўш бўлмаган чекли ўтишлар тўплами, ишлаб чиқариш босқичларида маълумотларни маълумотлар базасига қайд этиш процедуралари ифодаланади;

$I$  – ўтишларга кириш функцияси, ўтишларга кирувчи  $I(t_i)$  ёйлар  $I = \bigcup_T I(t_i)$  бирлашмаси орқали аниқланади, ишлаб чиқариш босқичига кирувчи  $X_i$  маълумотларни ифодалайди;


$O$  – ўтишлардан чиқиш функцияси, ўтишлардан чиқувчи  $O(t_i)$  ёйлар  $O = \bigcup_T O(t_i)$  бирлашмаси орқали аниқланади, ишлаб чиқариш босқичидан чиқувчи  $Y_i$  маълумотларни ифодалайди;

(1)-ифодадан ишлаб чиқариш босқичларининг ахборот мониторинги модели курилади шу асосида алгоритм ишлаб чиқилади. Ёғ-мой корхоналарининг конвейер шаклидаги узлуксиз ишлаб чиқариш босқичлари ахборот мониторинги дастурий модулининг математик модели Петри тўри орқали қуйидагича ифодаланади:

$$S_{\text{моу}} = \langle P, T, I, O, \mu^0, \mu^r \rangle, \quad (2)$$

Бунда,  $\mu^0$  – бошланғич маркировкалар вектори,  $\mu^0 : P \rightarrow N$ ,  $N = \{0, 1, 2, \dots\}$  ҳолатлар тўпламини солиштириш орқали натурал сонлар орқали ифодаланган.  $\mu^r$  – натижавий маркерлар вектори олдиндан аниқланган.

Ёғ-мой корхоналарининг узлуксиз ишлаб чиқариш босқичлари (2)- ифода асосида ахборот мониторинги дастурий модули учун  $P = \{p_0, p_1, \dots, p_{19}\}$  ва  $T = \{t_0, t_2, \dots, t_{14}\}$  лар аниқланган. Моделни граф кўринишда ҳам тасвирлаш мумкин (2-расм).



**2-расм. Петри тўридаги ахборот мониторинг моделнинг граф кўриниши**

Петри тўрида қурилган модел статик кўринишда эга аммо ҳолатлардаги маркерларнинг ҳаракати динамик бўлиб, маълумотлар асосида маркерларнинг ўзгариши орқали ахборот мониторинги амалга оширилади.

Маркерларнинг қўзғатилган ўтишлар орқали ахборот мониторинги алгоритми қуйидагича таклиф қилинади.

*1-қadam.* Фойдаланувчи томонидан ахборот мониторинг қилинадиган сана ёки оралик вақт киритилади.

*2-қadam.* Ҳар бир босқич учун  $\mu^r = \{\mu_0^0, \mu_0^1, \dots, \mu_0^{19}\}$  МБ даги `h_sel_holat`  $\in F^*$  процедура орқали барча босқичлардаги ишлаб чиқариш режаси `Pl_result[20]` массивга ажратиб олинади.

*3-қadam.* Ҳар бир узлуксиз ишлаб чиқариш босқичининг  $\mu = \{\mu^0, \mu^1, \dots, \mu^{19}\}$  жорий ҳолати,  $F^{**} = \{h\_sel_0^1, f_1^1, \dots, f_k^1\} \subseteq F^*$  процедуралар ёрдамида `l_result[20]` массивга ажратиб олинади.

4-қadam.  $PI_{result}$  ва  $LI_{result}$  массивларининг ўзаро мос индекслардаги қийматлари солиштирилади. Режани бажармаган ва маълумотлари МБ киритилмаган ҳолатлар  $MI_{notresult}$  ва маълумотлар базасига маълумотлари киритилган ҳолатлар  $MI_{result}$  массивга сақланади.

5-қadam.  $MI_{result}$  массиви қийматлари ёрдамида ҳар бир узлуксиз ишлаб чиқариш босқичи маълумотлари тўлиқ маълумотлар базасига киритилган бўлса, босқич режани бажарилганлигини билдиради, акс ҳолда кейинги қадамга ўтказилади.

6-қadam.  $MI_{notresult}$  массив элементлари режани бажармаган босқичларни аниқлашга имкон беради.

7-қadam. Режани бажарган ва бажармаган босқич  $C = \{c_0, c_1, \dots, c_n\}$  цехлар кесимида гуруҳларга ажратилади.

8-қadam. Ишлаб чиқариш цехлари кесимида режани бажармаган босқичлар тақдим қилинади.

9-қadam. Алгоритм ишини тугатади.

Ахборот мониторинг натижалари асосида Фрейм билимлар базаси модели асосида қарор қабул қилиш алгоритми ишлаб чиқилган:

Объектларни концептуал ифодалаш учун фрейм маълумотлар тузилмаси орқали амалга оширилади. Конвейер шаклдаги узлуксиз ишлаб чиқариш босқичларидаги  $X_i = \{x_{i1}, x_{i2}, \dots, x_{in}\} \in X, i = \overline{1, n}$  хомашё тўғрисидаги билимлар тузилма кўринишда фреймларда сақланади.

Фреймда билимларни қуйидагича ифодалаш мумкин:


$$B = \{s_1 v_1 p_1, s_2 v_2 p_2, \dots, s_n v_n p_n\}, \quad (3)$$

бунда:  $s_1, s_2, \dots, s_n \in S$  слотлар тўплами,  $v_1, v_2, \dots, v_n \in V$  қийматлар тўплами. Фрейм слотларини ифодалаш учун  $p_i \in \{P^k, P^m, P^f\}, i \in \{1, \dots, n\}$  слот турлари ишлаб чиқилди:  $P^k$  - параметрли слот,  $P^m$  - мунособатли слот,  $P^f$  - процедурали слот.

Юқорида аниқланган (3)-ифода ва  $p_i$  слот турларини умумий кўринишда қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$v_i = \begin{cases} p_i, \text{ агар } t_i = P^k; \\ \langle Ptr(M_j), r_q \rangle, \text{ агар } c_i m_q c_j, m_q \in M \text{ ва } t_i = P^m; \\ \langle f_g(p_1, p_2, \dots, p_g), Ptr(p_1^1), Ptr(p_2^1), \dots, Ptr(p_g^1) \rangle, \text{ агар } f_g \in F \text{ ва } t_i = P^f. \end{cases} \quad (4)$$

Бундан фрейм модели орқали билимларни тасвирлаш тузилмаси ишлаб чиқилди (3-расм).



**3-расм. Фрейм модели орқали билимларни тасвирлаш тузилмаси**

Билимлар базасини фрейм модели орқали куриш алгоритми куйидагича таклиф қилинади:

1-қadam. Узлуксиз ишлаб чиқариш босқичларда қарор қабул қилиш учун абстракт объектлар аниқланади.

2-қadam. Қўлланилиш соҳасига мос  $M = \{M_1, \dots, M_n\}$  абстракт фреймлар тўплами ишлаб чиқилади.

3-қadam. Қарор қабул қилишда иштирок этадиган объектлар аниқланади

4-қadam. Аниқланган объектларга мос фреймлари яратилади;

5-қadam. Ишлаб чиқариш босқичларидаги ҳодисалар учун фрейми ости фреймлари яратилади;

6-қadam. Қарор қабул қилиш параметрлар аниқланади.


7-қadam. Аниқланган параметр слотига мос процедура бириктирилади;

8-қadam. Фрейм-слотларига бириктирилган процедуралар натижавий қийматлари қарор қабул қилиш учун хулоса қилинади.

9-қadam. Алгоритм ишини тугатади.

Билимлар базаси орқали ҳар бир ишлаб чиқариш босқичидаги объектлар билимлари сақланади. Ушбу алгоритм асосида қарор қабул қилиш дастурий модули яратилади.

Дастурий мажмуанинг дастурий модулларини интеграциялаш учун онтологик ёндашув орқали интеграциялаш схемаси 4-расмда келтирилган кўринишда таклиф қилинди.



**4-расм. Ахборот мониторинг ва қарор қабул қилиш дастурий мажмуаси дастурий модулларининг интеграциялаш схемаси**

- $M_1$ - Аутентификация дастурий модули;
- $M_2$ - Видео кузатув қурилмадан маълумотларни ўқиш дастурий модули;
- $M_3$ - Электрон тарозидан маълумотларни ўқиш дастурий модули;
- $M_4$ - Маълумотларни киритиш дастурий модули;
- $M_5$ - Қарор қабул қилиш дастурий модули;
- $M_6$ - Ахборот мониторинг дастурий модули;
- $M_7$ - Интеграциялаш дастурий модули.

Ҳар бир дастурий модулнинг онтологиясини қуйидагича ифодаланади:

$$O = \{\{T\}, \{R\}, \{F\}\}, \quad (5)$$

бунда,  $T$  - онтология тушунчалар, термин ва улар асосида ҳосил қилинган синфлар тўплами,  $R$  - синфлар ўртасидаги мунособатлар тўплами,  $F$  - атрибутлар ва мунособатларни боғлайдиган функциялар тўплами.

Электрон тарозидан маълумотларни ўқиш ва маълумотларни киритиш модулларининг интеграциялаш жараёни қуйидагича амалга оширилади:

$O_3 = \{\{T_3\}, \{R_3\}, \{F_3\}\}$  -  $M_3$  - электрон тарозидан маълумотларни ўқиш дастурий модул онтологияси;

$O_4 = \{\{T_4\}, \{R_4\}, \{F_4\}\}$  -  $M_4$  - маълумотларни киритиш дастурий модул онтологияси;

Электрон тарозидан маълумотларни ўқиш ва маълумотларни киритиш модулларининг интеграциялашни қуйидагича ифодалаш мумкин.

$$S = \langle O_3, O_4, M_3, M_4, Z \rangle \quad (6)$$

Юқоридаги келтирилган қоидалар асосида интеграциялаш алгоритми қуйидагича таклиф қилинди:

*1-қadam.*  $M_3$  дастурий модул учун  $O_3$  онтологиянинг  $T_3$  синфи ҳамда  $A_3$  атрибутлари шакллантирилади.

*2-қadam.*  $M_4$  дастурий модул учун  $O_4$  онтологиянинг  $T_4$  синфлари ҳамда  $A_2$  атрибутлари шакллантирилади.

*3-қadam.*  $T_3$  ва  $T_4$  синфларининг атрибутларини ифодалайдиган *XML* маълумот тузилмалари шакллантирилади.

4-қadam.  $S(T_3, T_4)$  орқали атрибутларнинг боғлиқлик аниқланади.

5-қadam. Атрибутларнинг боғланиши мавжуд бўлмаса 8-қadamга ўтади, акс ҳолда кейинги қadamга ўтади.

6-қadam. XML маълумот тузилмаларидан қабул қилинган маълумотлар орқали интеграциялашади.

7-қadam. Натижалар текширилади.

8-қadam. Алгоритм ўз ишини тугатади.

Ушбу алгоритм ҳар бир модул учун синфлар қуриш ва унинг атрибутларини аниқлаш орқали амалга оширишини белгилаб беради.


Диссертациянинг учинчи боби «**Ахборот мониторинги ва қарор қабул қилиш дастурий мажмуасини ишлаб чиқиш**» деб номланган бобида ахборот мониторинги ва қарор қабул қилиш дастурий мажмуасининг мижоз-сервер архитектураси ва таркибий қисмларининг элементлари маълумот тузилмалари, «Asumou» дастурий мажмуасининг IDEF0 функционал ва маълумотлар базасининг инфологик IDEF1.x модели ҳамда Фрейм моделининг объектга йўналтирилган дастурлаш тили орқали ишлаб чиқишга бағишланган.

Ахборот мониторинги ва қарор қабул қилиш дастурий мажмуаси мижоз-сервер архитектураси асосида қурилади ва архитектуранинг элементлари қуйидагилардан ташкил топган:

- аппарат таъминоти воситалари;
- маълумотларни қабул қилиш;
- сервер ва маълумотлар базаси (МБ);
- мижоз иловалари;

«Asumou» ахборот мониторинг ва қарор қабул қилиш дастурий мажмуа маълумотлар базасининг IDEF1.x ва билимлар базасининг объектга йўналтирилган моделлари ишлаб чиқилган.

Билимлар базаси абстракт синфлар орқали қурилди(5-расм).




5-расм. Абстракт синфлар



Абстракт синфлар ўзида майдонлар, ҳодисалар ва методларни сақлайди. Абстракт синфлардан ҳосил бўлган синф ости синфлар абстракт синфларнинг барча хусусиятлари ва методлари мавжуд.

Билимлар базаси орқали қарор қабул қилишда, қарор қабул қилиш модули ахборот мониторинг модулидан қабул қилган параметрлар асосида «Ҳодисалар» тузилмасининг «Асос» устунидаги  $A=(a_1, a_2, \dots, a_n)$  шартлар аниқланади.  $A=(a_1, a_2, \dots, a_n)$  шартларга мос келувчи  $O=(o_1, o_2, \dots, o_n)$  объектлар танланади. Объектларга боғланган процедуралар  $X=(x_1, x_2, \dots, x_{k1})$  параметрлар асосида бажарилади ва  $P=(p_1, p_2, \dots, p_t)$  қарорлар қабул қилинади. Бу алгоритмнинг блок-схема кўриниши 6-расмда келтирилган.




6-расм. Ахборот мониторинг параметрларига мос қарор қабул қилиш алгоритми

Диссертациянинг тўртинчи боби ««Asumoy» ахборот мониторинг ва қарор қабул қилиш дастурий мажмуасининг тадбиқи ва олинган натижалар» деб номланган бўлиб, дастурий мажмуасининг дастурий модулларининг ишлаш тамойили, дастурий мажмуанинг BPMN модели, фойдаланиш бўйича аппарат ва дастурий таъминотларга бўлган зарурий талаблар, дастурий модулларидаги дастур иловалар мажмуалари ва ундаги ахборот алмашилиш жараёнлари ҳамда дастурий мажмуанинг тадбиқ қилиш натижасида корхоналардаги кўрсаткичларнинг ўсишига бағишланган.

Дастурий мажмуадан ҳар бир узлуксиз ишлаб чиқариш босқичларида фойдаланадиган мутахасислар учун махсус ролларга ажратилган, ҳар бир ролга махсус процедуралар белгиланган. Ролларга қараб дастурий мажмуадан корхона ходимлари ўзларининг ҳуқуқлари доирасида фойдаланиши мумкин.

«Asumoy» ахборот мониторинг ва қарор қабул қилиш дастурий мажмуа модулларининг ишлаш тамойили кўриб чиқилган. Бунда дастурий мажмуанинг ишлаш тамойили ва дастурий мажмуадаги жараёнлар BPMN (Business Process Model and Notation) модели ишлаб чиқилган (7-расм).

Ҳар бир дастурий модулнинг мижоз ва сервер дастур иловаларининг функционал тузилмалари ҳам келтирилган.




**7-расм. «Asumoy» ахборот мониторинг ва қарор қабул қилиш дастурий мажмуа модулларининг ишлаш тамойили**

Дастурий мажмуани жорий қилишда аппарат-дастурий воситаларга бўлган зарурий талаблар ишлаб чиқилган. Бунда мижоз ва сервер

компьютерлари ҳамда контроллерлар учун дастурий мажмуани жорий қилишда зарурий талаблар ишлаб чиқилган.

Билимларни тасвирлашнинг Фрейм модели орқали қарор қабул қилиш алгоритми қарорлар дарахти орқали қурилган Apriori ва Cart5 алгоритмлари билан таққосланди(8-расм). Фрейм модели асосида ишлаб чиқилган алгоритмда бошланғич параметрлар сони 55% га етганда 81% аниқликда башоратлаш имконияти мавжуд эканлиги аниқланди.



### 8-расм. Қарор қабул қилиш алгоритмларининг солиштирма таҳлили

«Аsumoy» дастурий мажмуаси созланмалар, мойли уруғни қабул қилиш, мой лабораторияси, мойли уруғни қайта ишлаш, шрот-шелуха, экстракция, рафинация, мой омбори каби дастурий иловалар мажмуалари орқали маълумотларини марказлаштирилган сервер компьютерлари маълумотлар базасига жамлайди.

## ХУЛОСА

1. Ишлаб чиқариш жараёнларида дастурий воситаларини қўллашнинг ретроспектив таҳлили, ахборот мониторинг тизимларига бўлган ёндашувларнинг ўзгариши ва ташкил этувчи элементларини аниқлаш, ишлаб чиқариш корхоналари учун ахборот мониторинг тизимларининг ривожланиш истиқболлари, қарор қабул қилишнинг синфлари ва моделлари кесимида таҳлил қилинди. Ўрганилган ахборот мониторинг тизимларининг хоссалари ва солиштирма таҳлилий жадваллар асосида ахборот мониторинг ва қарор қабул қилиш дастурий модулларидан ташкил топган дастурий мажмуани ишлаб чиқишда тадқиқотларни янада ривожлантириш мақсадга мувофиқлиги асосланган.

2. Узлуксиз ишлаб чиқариш босқичларини(ёғ-мой корхоналари мисолида) ахборот мониторинг қилиш учун Петри тўри математик таъминоти асосида алгоритм ишлаб чиқилди. Бунинг натижасида корхонанинг узлуксиз

ишлаб чиқариш босқичларидаги маълумотлар асосида мониторинг қилиш имконияти яратилган.

3. Узлуксиз ишлаб чиқариш босқичларида қарор қабул қилиш учун билимлар базаси Фрейм модели асосида қурилди, қарор қабул қилиш функцияси ва алгоритмларини ишлаб чиқиш масаласи ечилди. Ишлаб чиқилган билимлар базасининг модели билимларни объектлар ёрдамида ифодалаш ва қарор қабул қилиш алгоритми асосида билимлар базаси орқали қарор қабул қилиш имконияти ҳосил қилинди.

4. Ахборот мониторинг ва қарор қабул қилиш дастурий мажмуасининг дастурий модуллари онтологик моделлаш асосида ишлаб чиқилган алгоритм орқали интеграциялаш масаласи ечилди. Ишлаб чиқилган алгоритм асосида дастурий модулларнинг интеграциялаш имкони пайдо бўлди.

5. Дастурий мажмуани IDEF0, дастурий модулларнинг функционал тузилмаси BPMN, маълумотлар базасини IDEF1x ва билимлар базасининг объектга йўналтирилган моделларини ишлаб чиқиш масаласи ечилди. Ишлаб чиқиши режалаштирилган «Asumou» ахборот мониторинг ва қарор қабул қилиш дастурий мажмуаси модуллари ва унинг таркибий қисмлари, маълумотлар базасининг тузилмаси, билимлар базасининг тузилмаси ва уларда бажариладиган ҳисоблаш ишлари аниқлаштирилиб олинган.

6. Мижоз-сервер архитектура асосида ахборот мониторинг тизимининг маълумот тузилмаси ва дастурий мажмуа ишлаб чиқиш масаласи доирасида «Asumou» ахборот мониторинг ва қарор қабул қилиш дастурий мажмуаси ишлаб чиқилди. Бунинг натижасида корхонада узлуксиз ишлаб чиқариш босқичларини ахборот мониторинг ва қарор қабул қилиш имконияти ҳосил бўлади.

7. Яратилган «Asumou» ахборот мониторинг ва қарор қабул қилиш дастурий мажмуасидан фойдаланиш учун аппарат ва дастурий таъминотларга зарурий талаблар ишлаб чиқилди. Тизим уч қисмдан иборат эканлигини ҳисобга олган ҳолда мижоз, сервер ҳамда контроллер қурилмаси учун аппарат ҳамда дастурий таъминотларга бўлган зарурий талаблар ишлаб чиқилди. Бу талабларнинг ишлаб чиқиш орқали дастурий таъминотдан фойдаланиш жараёнида келиб чиқиши мумкин бўлган хатолик ва муаммоларни бартараф этиш имконини берди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.13/30.12.2019.Т.07.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ  
ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ**

---

**БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

**ЭШАНКУЛОВ ХАМЗА ИЛХОМОВИЧ**

**АЛГОРИТМЫ И ПРОГРАММНЫЙ КОМПЛЕКС ДЛЯ  
ИНФОРМАЦИОННОГО МОНИТОРИНГА И ПРИНЯТИЯ РЕШЕНИЙ  
В НЕПРЕРЫВНЫХ СТАДИИ ПРОИЗВОДСТВА (НА ПРИМЕРЕ  
МАСЛОЖИРОВЫХ ПРЕДПРИЯТИЙ)**

05.01.04 – Математическое и программное обеспечение вычислительных машин,  
комплексов и компьютерных сетей

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО  
ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2020**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №В2020.2.PhD/T1105.

Диссертация выполнена в Бухарском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета ([www.tuit.uz](http://www.tuit.uz)) и в Информационно-образовательном портале «Ziyouet» ([www.ziyouet.uz](http://www.ziyouet.uz)).

**Научный руководитель:** Муминов Баходир Болтаевич  
доктор технических наук, доцент

**Официальные оппоненты:** Бабомуратов Озод Жураевич  
доктор технических наук, доцент

Хундибаев Абдурахман Маликович  
кандидат технических наук

**Ведущая организация:** Национальный университет Узбекистана имени Мирзо Улугбека

Защита диссертации состоится «22» Октябрь 2020 г. в 14<sup>00</sup> часов на заседании научного совета DSc.13/30.12.2019.T.07.01 при Ташкентском университете информационных технологий. (Адрес: 100202, г. Ташкент, ул. Амира Темура, 108. Тел.: (99871) 238-64-43; факс: (99871) 238-65-52; e-mail: [tuit@tuit.uz](mailto:tuit@tuit.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского университета информационных технологий (регистрационный номер №0/162). (Адрес: 100202, г. Ташкент, ул. Амира Темура, 108. Тел.: (99871) 238-65-44).

Автореферат диссертации разослан «03» Октябрь 2020 года.  
(протокол рассылки №15 от «19» сентябрь 2020 г.).



**Р.Х. Хамдамов**  
Председатель научного совета по  
присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

**Ф.М. Нураллиев**  
Ученый секретарь научного совета по  
присуждению ученых степеней, д.т.н., доцент

**М.А. Рахматуллаев**  
Председатель научного семинара при научном  
совете по присуждению ученых степеней,  
д.т.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мире особое внимание уделяется вопросам разработки программных продуктов и автоматизации производственных предприятий, в частности, вопросам мониторинга, управления, анализа данных на этапах непрерывного производства на предприятиях этапов непрерывного производства. Разработка эффективных методов и алгоритмов решения этих проблем связана с четко поставленной практической целью, в особенности, с созданием систем информационного мониторинга и систем, способствующих принятию решений. Целью таких систем является мониторинг этапов непрерывного производства на основе данных, содействие принятию решений на основе базы знаний. Разработке математического и программного обеспечения по информационного мониторинга и принятию решений в производственных предприятиях уделяется большое внимание в США, Южной Корее, Японии, Великобритании, Индии, Белоруссии, Российской Федерации и других странах, развитых в этой области.

В мире ведется множество научных исследований, направленных на разработку алгоритмов и программного обеспечения для решения проблем мониторинга и принятия решений на этапах непрерывного производства. В этой связи, необходимо уделить особое внимание научно-практическим исследованиям вопросов разработки алгоритмов информационного мониторинга и принятия решений, программного обеспечения, алгоритмов интеграции программных модулей.

В Республике ведутся широкомасштабные исследования по разработке систем мониторинга для производственных предприятий, программных средств и модулей, способствующих принятию решений, а также интеграции программного обеспечения. В Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах определены задачи «...модернизация, техническое и технологическое обновление производства, ... внедрение и использование передовых информационно-коммуникационных технологий, внедрение информационно-коммуникационных технологий в экономику, социальную сферу и систему управления»<sup>1</sup>. В реализации этих задач важное значение имеет разработка математических моделей, алгоритмов вычисления и программного комплекса по информационному мониторингу и принятию решений на этапах непрерывного производства.

Данное диссертационное исследование в определенной мере служит выполнению задач, предусмотренных Указом Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года №УП-4947 «О Стратегии действий по

---

<sup>1</sup> Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года №УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

дальнейшему развитию Республики Узбекистан», Постановлениями Президента Республики Узбекистан от 21 ноября 2018 года №ПП-4022 «О мерах по дальнейшей модернизации цифровой инфраструктуры в целях развития цифровой экономики» и от 16 января 2019 года №ПП-4118 «О дополнительных мерах по дальнейшему развитию масложировой отрасли и внедрению рыночных механизмов управления отраслью» и другими нормативно-правовыми документами, имеющими отношение к данной сфере.

**Связь исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологии IV – «Информатизация и развитие инфокоммуникационных технологий».

**Степень изученности проблемы.** Множество ученых проводят научно-прикладные исследования по вопросам разработки, внедрения в практику методов, технологий и программного обеспечения систем информационного мониторинга, интеграции систем, баз данных и программных модулей, способствующих принятию решений.

В мире в работах V.Denkens, D.Dahlmanna нашли отражение методы информационного мониторинга этапов производства, самонастройки при конвейерном производстве, Q.Zhanga, Y.Liu изучали методы обмена данными в системе информационного мониторинга на основе сенсорной сети, M.B.Шевченко, Л.И.Нефедов и L.Wang рассматривали методы и механизмы многоканального управления системами информационного мониторинга, K.Smarsly, E.Tauscher описали модели и алгоритмы для информационного мониторинга на основе встроенных систем, D.J.Power, Ю.М.Лисецкий, Б.Д.Гнеденко занимались вопросами методов и архитектуры модулей принятия решений, в работах М.Минского, А.Э. Ермилова, П.В.Мисевича описываются методы построения баз данных с помощью фреймовой модели, G.M.Marakas, L.A.Kurgan занимались вопросами разработки методов принятия решений и архитектуры интеллектуальной системы принятия решений.

В Республике отечественные ученые внесли большой вклад в изучение данных проблем, в частности Т.Ф.Бекмуратов, О.Ж.Бабомурадов рассматривали алгоритмы и методы целевого мониторинга объектов, Р.Н.Усманов, Т.А.Кучкаров разрабатывали вопросы информационно-аналитических систем экологического мониторинга, Х.Н.Зайнидинов, О.К.Махманов изучали методы и модели мониторинга научного потенциала, такие ученые как М.М.Камилов, Ш.Х.Фозилов, Р.Усманов, Р.Х.Хамдамов, Д.Т.Мухамедиева, Н.А.Игнатъев, А.Р.Ахатов, А.Х.Нишанов изучали методы интеллектуального анализа и системы принятия решений, а также Н.Р.Юсупбеков, М.А.Рахматуллаев, М.М.Мусаев, М.М.Арипов, С.С.Касымов, Д.Т.Мухамадиева, Б.Б.Муминов вели исследования по разработке



соответствующего программного обеспечения и комплексов.

Анализ исследований в этой области показал, что на сегодняшний день алгоритмы информационного мониторинга и принятия решений на стадиях непрерывного производства и разработки интегрированный программного комплекса недостаточно изучены.

